

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини партия программаси ва КПСС XXIII съезди белгилаб берган коммунистик қурилиш планларини амалга ошириш учун курашда янги ғалабалар билан нишонлаймиз!

(КПСС Марказий Комитети Қарорларида)

БҲУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 206 (3944). | Шанба, 19 октябрь 1968 йил | Баҳоси 2 тийин.

● **Пахта майдони — мардлар майдони.** Кунлик терим топшириқларини бажаришга ҳар биримиз ўзимизнинг шахсий ҳиссамизни қўшайлик.

● **Колхоз ва совхозларда барча машиналар унумли ишласин.** Тўкилган пахтани нобуд қилмай тезроқ териб олайлик.

● **Терим суръатини кучайтириш учун техника, одам кучи етарли.** Дала ишларини моҳирлик билан пухта ташкил этайлик.

● **Кунлар қисқариб бормоқда.** Фанимат фурсатнинг ҳар минут ва соатидан унумли фойдаланайлик.

Янгйўл районидagi «Ленин» колхозининг аъзолари В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб меҳнат ғалабалари билан нишонлаш учун астойдил курашмоқдалар.


## МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

риб, кундан-кунга суръатга суръат қўшмоқдалар. Ҳар бир агрегат билан кундан 4—5 тоннадан «оқ олтин» териб олиняпти. Шунинг учун ҳам колхоз маррага етай, деб қолди. Хўжалик ҳар кун иллик планнинг 3—4 проценти миқдорда «оқ олтин» топшириб, райондаги хўжаликлар ўр-

тасида пешқадамлик қилаётир. Ишчи пухта ташкил этган, машиналардан унумли фойдаланяётган звеноларда иллик план бирин-кетини бажарилаётир. Ножат Газизов бошлиқ комплекс механизациялашган звенонинг аъзолари 78 гектар майдондан баракли хирмон қўтаришди. Улар ҳар гектар ер-

дан 28 центнердан «оқ олтин» топшириб, қисқа вақт ичида планини ошириб бажардилар. Рихсвий Шопайев раҳбарлик қилаётган зveno аъзоларининг ишчи ҳам ҳар қанча мақтаса арзийди. Механизатор-звенонинг ишчи ҳам ҳар гектар ердан 70 тоннадан ортиқ пахта терди. Шунини қувончлики, звенонинг аъзолари «оқ олтин» топшириб, райондаги хўжаликлар ўр-

нодаги ҳосилнинг деярли ҳаммаси «зангори кема»лар ёрдами билан йиғиштириб олиняпти. Звенода ҳар гектар ердан 29 центнердан «оқ олтин» топширилади. Ҳали даламизда «оқ олтин» дурдоналари кўп, — дейди звенонинг аъзолари, — биз ҳосилнинг ҳаммасини тезда йиғиштириб оламиз. Планидан ташқари қўшимча ҳар гектар ердан ҳамма олти центнердан пахта топширамиз. О. ҚОЗОҚБОВ.



## ЧАВАНДОЗЛАР

Ингит «пўлат от» штурвалига ўтириб, эгат оралаб пахта тера кетди. Ҳаш-паш дегулча бункерлар «оқ олтин»га тўлаверди. Бу манзарани агроном Турсунбой Эргашев кузатиб турган эди. Машина катта ўқ ариқ бўйига келиб, бункердаги пахтани прицепга ағдара бошлаганидан фойдаланиб, агроном гап қотди:

— «Пўлат от» жиловокори, бугунги мулканингни қанча?

— Тўрт тонна!

— Баракалла, азамат, бўш келмайсан.

— Биринчи маррани ағдаладик. Турсунбой ака, энди яқинчи довоини ошишимиз керак. Мажбурияти банарини юзмингизни бўлиши лозим, — деди Тиркаш.

Пахтазорда Тиркаш билан мусобақалашиб, пахта тараётган Мирза ўз-ўзига «мендан ўзиди» деб чамалаб қўйди. Мирза ярим соат ичда биринчи бункердан прицепга 350 килограмм «оқ олтин» тўқди.

Икки «чавандоз» тушгача 2—2,5 тоннадан пахта ағдарилди. Кечга яқин бундан тўққан «оқ олтин» 10 тоннадан ошиб кетди.

Тиркаш Мавлонов, Мирза Тошбоев каби «пўлат от» чавандозлари Бекобод районидagi Навоий номи колхозда кўпчиликни ташкил этади. Колхоз машинада пахта теришда кун сайин яхши натижаларга эришмоқда. Даладарда 39 та «зангори кема» ишлаб турибди. Бу қудратли машиналарни куч-гайратга тўлган ўтюррак механик-ҳайдовчилар бошқариб, ҳар кун «зангори кема» бункерларидан хирмонга 4—5 тоннадан «оқ олтин» тўқмоқдалар.

З. ОТАХОНОВ.

## ПЛАН 22 ИШ КУНИДА БАЖАРИЛДИ

Азамат деҳқонларимизнинг қувончи чексиз. Негаки, улар давлатга пахта сотиш иллик планини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортга илгори қаторида имзо чекдилар.

Ер—ҳосилнинг онаси бўлса, отаси меҳнат дегандаридек, деҳқонларимиз бу йил 750 гектар майдондаги ўзгани меҳр билан парвариш қилдилар, ҳар тўрт гўзада мўл ҳосил тўплаш учун курашдилар.

Мавжуд пахта майдонининг ҳар гектаридан 20 центнердан пахта олар эдик. Ҳозирда эса ҳосилдорлик 10 центнерга ортиди. Яна гектаридан беш центнердан пахта йиғиб олиш учун курашмоқдамиз. Давлат омонига 1500 тоннадан ортиқ юнорти сортли пахта етказиб берилди.

Деҳқонларимиз пахта йиғиш-теримини ушшоқлик билан ўтказиш учун олдиндан пухта ҳозирлик қўрган эдилар. Ётиштирилган ҳосилни қисқа муддатда нобуд қилмай йиғиб олиш чоралари кўрилди. Тақрибани деҳқонларимиз теримдаги агро-техникаларда бир овоздан теримни тез ва сифатли ўтказишда машиналардан унумли

фойдаланишимиз лозим, деди.

Пахта йиғиш-теримини эндиликда машинасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Машина—деҳқоннинг ҳақиқий мададкори бўлиб қолди. Бир неча йилдирки, машинадан тўла ва унумли фойдаланиб келаятганимиз туфайли колхозимиз даромадида даромад қўшилмоқда.

Бундан 3-4 йил илгари етиштирилган ҳосилнинг 15-20 проценти машиналар билан териб олинган бўлса, эндиликда ҳосилнинг 85-90 проценти бункерлардан тўкилмоқда. Бу йил етиштирилган ҳосилнинг 1030 тоннаси «пўлат от»ларда йиғиштириб олинди. Бизнинг колхозимизда машина юраладиган қияликлар анчагина. Ана шу ерлардаги ҳосилни йиғиб олишда ҳам иложи бори-лар машиналардан фойдаландик.

Колхоз правленисиз ва партия ташкилоты бу йилги йиғиш-теримда тасаввур қилган эҳтибор бериб, ана шу масала юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб чиқди. Пахтани нобуд қилмай сифатли терган ҳар бир механик-ҳайдовчига иш ҳақининг 15 проценти миқдорда қўшимча ҳақ бериб турдик. Шу туфайли ҳамма пахтани биринчи сортларга топширдик. Колхоз бундан катта фойда кўрди. Машиналар билан фақат биринчи сортли пахта терилган-

лиги учун СССР Министрлар Советининг 6 февраль қарорига мувофиқ 2840 сўм мукофот олиняпти. Бу мукофотнинг эҳлиқ процентдан ортиги механизаторларга берилади.

Йиғиш-теримнинг биринчи кунлариданоқ пахтани йиғиштириб олиш суръатини тезлатиш ва унинг кунлик саломини оширишда бригадалар ва звеноларро йўлга қўйилган социалистик мусобақа қизғин тус олди.

Бу мусобақада Узоқ Саидов бошлиқ бригада коллективни ғолиб чиқди. Улар ўзларига қарашли 100 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил қўтариб, пландан ташқари 7 центнердан пахта йиғиб олдилар. Колхоз хирмонига 270 тонна аъло сортли «оқ олтин» топширдилар. Иллик планини қисқа муддатда, 15 иш кунда адо этиб, барча ҳосилни «зангори кема»лар билан териб олдилар.

Шунингдек, Тило Бойтов, Убайдулло Нўлдосов, Умнаткул Аҳмедов, Маҳмуд Дамитов бошлиқ бригада коллективлари ҳам ҳар гектар ердан пландан 20 центнер ортига 25-27 центнердан ҳосил қўтардилар. Улар яна гектаридан 8—10 центнердан «оқ олтин» териб олиш мажбуриятини олдилар.

Механик-ҳайдовчилари миз

эришган ютуқлар айниқса қувончли бўлди. Мурод Носелов ҳар кун 5—6 тоннадан пахта тараётир. Ҳозиргача у терган пахта 90 тоннадан ошиб кетди. Бу йил у 40 гектар майдонининг ҳар гектаридан икки теримнинг ўзида 28 центнердан пахта йиғиб олиб, колхоз механизаторлари ўртасида ғолиб чиқди. Яна ҳар гектар ердан 5—6 центнердан дурдона йиғиштириб олишга қатъий аҳд қилди.

Мурод каби ўз ишининг моҳир устаси бўлган азаматлар колхозимизда ўнлаб топилди. Абдукарим Эгамбердиев, Топил Қаруоров, Жонон Байрамов, Алибой Бойбутаевларнинг ҳар бири шу кунгача 70—75 тоннадан ошириб пахта териб қўйдилар. Бу йилги пахта йиғиш-терим мавсумида даладаримизда 26 та машина тўхтовсиз ишлаб, ҳар кун колхоз хирмонига йиллик планининг 4—5 проценти миқдорда пахта тўқиб турдилар.

Ана шу машиналарнинг иш вақтида бузилиб, кўп вақт турди қолмаслиги учун бригадаларда кўчма устахона ишлаб турди. Бу кўчма устахоналар етарли асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар билан тўла таъминлаб турилди. Уларда таърибали, машиналар бузила тезликда тузата оладиган мутахассислар ишлади. Мавжуд техника кучлари ана шундай назорат остида тўхтовсиз ишлаб турганлиги сабабли пахта топшириш планини 22 иш кунда бажаришга муваффақ бўлди.

Бундан ташқари, бригада ва звенолар ишчи ҳар беш кунда ҳисоблаб ымпель ва пул мукофоти билан рағбатлантирдик. Ҳар беш кунда ним қўп ва сифатли пахта терса ымпель ва 20 сўм пул билан мукофотланди. 10 кунда 2 тонна пахта терган теримчини эса бир кийимлик атлас билан тақдирланди. Колхозчилар ўртасида бундай тадбирларни амалга оширишимиз терим суръатининг ортишига, пахта сифатининг яхшилланишига катта ёрдам берди.

Миришкор деҳқонларимиз ва азамат механизаторларимиз йиллик пахта тайёролаш планини адо этган бўлсалар ҳам терим суръатини сусайтирганларига йўқ. Ҳар кун давлат омонига йиллик планининг 2—3 проценти миқдорда пахта топширилмоқда. Яна давлатга 200 тоннадан ортиқ «оқ олтин» топшириш юзасидан мажбурият олганмиз.

Ҳали пахтазорларимизда ҳосил мўл. Зиммадаги бу мажбуриятни ҳам сўзсиз бажарамиз.

Ю. МАМАШОВ, Ўзбекистон «Ленин» колхоз раиси.

Е. ЮСҮПОВ, партия ташкилотининг секретари.

Шу кунларда Ўрта Чирчидаги Охунбобоев номи колхоз механизаторлари «зангори кема»ларни шаддат билан ишлатиб, хирмон баракасига баракка қўшишмоқда. Бу суратларда машина терими пайти акс эттирилган. (Чавда) илгори механик-ҳайдовчилардан М. Зуляров, (ўнгда) Н. Худойназаров ўрқлар.

А. Абалин фотолари.

## ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республика чорвадорлари ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақанинг шу йил учинчи квартали якуналарини қўриб чиқдилар. Республика партия ва ҳукуматининг кўчма Қизил байроқлари илгори бўлган ва совхоз чорвадорларига берилди. Шу жумладан Тошкент область Янгйўл районидagi «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми ҳам кўчма Қизил байроқ олди.

356.000  
тонна пахта учун

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА  
ТАНЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА  
18 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН  
МАЪЛУМОТ

(Планта ҳисобатан процент ҳисобида)

| Районлар        | Пахта тайёрлаш |                     | Машина терими |                     |
|-----------------|----------------|---------------------|---------------|---------------------|
|                 | Вир кунда      | Мавсум бошидан бери | Вир кунда     | Мавсум бошидан бери |
| Юқори Чирчиқ    | 2,26           | 84,57               | 2,78          | 143,58              |
| Оқдўғрон        | 1,72           | 78,57               | 1,81          | 86,58               |
| Бўка            | 1,85           | 75,24               | 1,74          | 81,92               |
| Ўрта Чирчиқ     | 2,14           | 70,95               | 1,92          | 85,52               |
| Бекобод         | 1,50           | 65,84               | 1,47          | 72,14               |
| Янгйўл          | 1,65           | 58,46               | 1,96          | 58,93               |
| Оржоникидзе     | 1,68           | 43,39               | 2,80          | 64,70               |
| Область бўйича: | 1,80           | 70,64               | 1,83          | 81,14               |

А. Н. КОСИГИН  
МОСКВАГА ҚАЙТИБ  
КЕЛДИ

Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг тақлифига мувофиқ, Прагада борган СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 17 октябрда Москвага қайтиб келди.

СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва СССР муҳофаа министри, Совет Иттифоқи маршали А. А. Гречко А. Н. Косигин билан бирга қайтиб келдилар. (ТАСС).

## СУВОРИЙЛАР ҚЎШИҒИ

«Чух» пўлат отим менинг, шеввозлигини қилғил аён  
Орта қолма, мард чавандозлар билан юр ёнма-ён  
Элу-юрт мамнуку сендан, таърифнинг дoston-чунон  
Терганинг зар, йиғганинг зар, ҳур Ватанга армуғон  
Ушбу дам олтин дақиқа англа қадрини, қил жадал,  
Суръатинг, ҳар соатинг куз якунин айлайди хал,  
Дур чаноқ чақ-чақ очилган дўпин юзларда қўзим,

Чунки шу юзларда омад, бахт-қўл, юлдузим,  
Ҳис эгарман «оқ дентиз» итра сузгандек ўзим  
Қайта-қайта айтадурман, Деҳқоний бу чин сўзим,  
«Чух» пўлат отим фанимат ҳар минут айла жадал,  
Суръатинг, ҳар соатинг куз якунин айлайди хал.

ДЕҲҚОНИИ.



21 октябрда Тошкентда Осиё  
ва Африка мамлакатлари  
кинофестивали очилади.





